Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 16 апрель, шанба № 75. (21.679). Сотувда эркин нархда.

ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚ—ҲАҚИҚАТ!

МОСКВА, 14 апрель. ЎзА мухбири Лев ЛЕВИН хабар қилади:

— Иқтисодий иттифоқ — ҳақиқатдир, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Биз кун тартибига киритилган муҳим ҳужжатларни имзолаш учун Москвага келдик!

Ўзбекистон Президентининг бу мухтасар баёноти Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви арафасида юз берган вазиятни аниқ акс эттиради.

Учрашув кун тартибида кўпгина: Украинанинг уюшган аъзо ҳуқуқи билан иқтисодий иттифоққа қўшилиши, иқтисодий иттифоқнинг доимий органи — давлатлараро иқтисодиёт қўмитасини тузиш, эркин савдо зонасини барпо этиш тўғрисидаги масалалар бор.

Бугун давлат бошлиқларининг ёпиқ мажлисида Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият тўғрисидаги масала муҳокама этилди. У ерда вужудга келган вазият, чегара ҳудудида чиқаётган доимий можаролар сира кечиктирмасдан, бамаслаҳат ҳал этишни талаб қилади. Шу сабабли, кун тартибига бирлашган тинчликсевар кучларнинг Тожикистон Республикасида туриш муддати, бу кучларнинг таркиби ва вазифалари ҳақидаги масала киритилган эди. Ўзбекистоннинг тутган йўли аниқ — бу йўл фақат сиёсий мулоқот йўлидир.

Қозоғистон вакилининг маълумотига қараганда, Н. Назарбоев саломатлиги кескин ёмонлашганлиги сабабли Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги мажлисига кела олмаган. Москвага келган барча давлат бошлиқлари Евроосиё иттифоқини тузиш, яъни эски давлат тузумига қайтиш тўғрисидаги таклифлар мутлақо асоссиз, деб ҳисоблашмоқда.

Бугун Президент-отелда МДҲ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг йиғилиши бошланди. Музокараларда асосий эътибор ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга, божхона тўсиқларини олиб ташлашга қаратилди. Бироқ, давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Евроосиё иттифоқини тузиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилгани йўқ. Аслида — бу хомхаёл эди.

Россия ахборот маҳкамасининг мухбири Ўзбекистон раҳбарига бундай савол берди: Ўзбекистон кам сонли миллатлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномага риоя қиладими?

— Бу масала хусусида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, — деб жавоб қилди Ўзбекистон раҳбари. — Республикада энг нуфузли халқаро ташкилотлар — БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши шарт қилиб қўйган барча ҳуқуқларга пухта риоя қилинмоқда. Ўзбекистонда яшовчи барча одамлар, миллати ва динидан қатъи назар, бир мамлакат фуқароларидир. Давлатнинг Асосий қонуни — Конституция уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳозирги учрашуви кўп жиҳатдан ҳал қилувчи учрашув бўлиши лозим. Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш — кучларни бирлаштириш, олдинги алоқаларни шунчаки тиклабгина қолмай, уларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга интилишдир.

Москвадаги учрашув — оддий учрашувлардан эмас. Ҳеч қим бошқалардан айри ҳолда, мулоқотларсиз яшай олмайди. Давлатлар ҳам шундай — бир-бири билан ўзаро муносабатларсиз тараққий этолмайди. Лекин, ҳамкорлар билан биргаликда ишлайдиган бўлсак, фақат ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли асосда ишлашимиз керак. Ўзбекистон Республикасининг сиёсати ана шунга асосланган.

СУРАТДА: Мукофотларни топшириш пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг машҳур спортчилари, халқаро олимпиада ўйинлари иштирокчиларини қабул қилди.

— Ўзбек спортининг Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Рустам Казаков каби маниҳур вакиллари маҳорати жаҳон миқёсида тан олинган, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўтган қишки олимпиада ўйинлари эса спортчиларимизнинг имкониятлари ва салоҳияти катта эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Норвегиядаги қишки олимпиада ўйинларида Ўзбекистонлик 7 нафар спортчи қатнашиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган эди. Лина Черязованинг олимпиада чемпиони бўлиши ва олтин медални қўлга киритиши спорт мухлисларини беҳад қувонтирди. Яқинда ана шу спортчиларни мукофотлаш тўғрисида Президентимизнинг махсус фармони эълон қилинган эди. Учрашув сўнгида республикамиз Президенти Ислом Каримов мазкур Фармонга асосан Лина Черязовага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, мураббийлар — Дмитрий Кавунов ва Владимир Лисовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози унвонларини топширди. Шунингдек, бир гуруҳ спортчилар ҳамда спорт ходимларига Фахрий ёрлиқлар берилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро олимпиада қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч ўзбек спортчиларини қутлаб, уларга келгуси халқаро мусобақаларда муваффақият тилади.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутталов, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, Ў. Султонов, Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси президенти ва Давлат спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев иштирок этди.

(ЎзА).

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан ўзаро аҳдлашувларга мувофиқ шу йилнинг 25 апрелида Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран жаноби олийларининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭННИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 18—20 апрель кунлари ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн жаноби олийлари Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан меҳмон бўлади.

Ўзбекистон раҳбарияти юксак мартабали меҳмонни қутлар экан, бу ташриф Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларнинг янада ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдиради.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭН

Ли Пэн 1928 йил октябрь ойида Сичуань вилоятининг Чэнду шаҳрида туғилган.

1941 йилдан бошлаб Яньандаги ўрта мактабда, Яньан табиий фанлар академиясида, кейинчалик Чжанцзякоудаги ҳунар-техника билим юртида таҳсил олган.

1946 йилдан бошлаб Ли Пэн Шаньси-Хабар-Хэбей туманидаги электр компаниясида техник, Харбин ёғ-мой корпорациясида бошқарувчи ёрдамчиси ҳамда партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаган.

1948 йилдан бошлаб Москва энергетика институтида таҳсил олган. Шу даврда СССРдаги хитойлик талабалар уюшмаси раиси этиб сайланган.

Хитойга қайтганидан кейин 1955 йилдан бошлаб Цзилинь вилоятидаги электр станцияда директор ўринбосари, бош инженер Шимоли-шарқий Хитой электр энергия бошқармасида бош инженер ўринбосари ва Ляонин вилоятидаги электр станцияда директор бўлиб ишлаган.

1966 йилда бошлаб Пекин электр энергия бошқармасида партком котиби вазифасини бажарувчи, партком котиби ва бошлиқ бўлиб ишлаган.

1979 йилдан 1983 йилгача ХХР энергетика вазири ўринбосари, вазир ва вазирлик парткоми котиби, ХХР сув хўжалиги ва электр энергия вазирининг биринчи ўринбосари ва вазирлик парткоми котибининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1983 йилда Ли Пэн бош вазир ўринбосари этиб тайинланган. Айни пайтда 1985 йилдан бошлаб ХХР маориф ишлари давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи бўлиб ҳам ишлаган.

1987 йилдан бошлаб ХХР Давлат Кенгаши раҳбари вазифасини бажарувчи, раҳбари. 1993 йил март ойида бўлган 8-чақириқ умумхитой халқ вакиллари йиғилишининг биринчи сессиясида яна ХХР Давлат Кенгаши раҳбари этиб қайта сайланган.

1982 йилдан бошлаб Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси раҳбарлик органлари таркибига кирган.

Рус ва инглиз тилларини яхши билади. Ли Пэннинг рафиқаси ҳам электр энергия соҳаси бўйича мутахассисдир.

Икки ўғли ва бир қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ғ. ЗАҲРИДДИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасининг раиси Ғулом Заҳриддинович Заҳриддинов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 апрель.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДАГИ САВДО

Ўзбекистон Республика биржасида 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «сўм-купон»нинг харид қобилиятини оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ дастлабки савдо бўлиб ўтди. Унда ички ва ташқи бозорлардаги вужудга келган талаблар ва устиворликлар ҳисобга олинган ҳолда, сўм-купоннинг хорижий валюталарга алмаштириш қиймати аниқланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 16 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюталарнинг сўм-купонга нисбатан қуйидаги қиймати белгиланганини маълум қилади.

1 Австралия доллари	2640.83
1 Австрия шиллинги	302.52
1 Инглиз фунт стерлинги	5364.58
10 Бельгия франки	1032.36
1 Голланд гульдени	1893.38
10 Грек драхми	145.04
1 Дания кронаси	542.71
1 АҚШ доллари	3637.00
1 Миср фунти	1077.63
1 Ирландия фунти	5208.18
1 Исландия кронаси	50.26
10 Испан песети	261.24
100 Итальян лираси	222.24
1 Канада доллари	2633.60
1 Қувайт динори	12233.43
10 Ливан фунти	21.50
1 Немис маркаси	2126.28
1 Норвегия кронаси	490.42
10 Португалия эскудоси	208.13
1 Сингапур доллари	2330.66
10 Туркия лираси	980.32
1 Финландия маркаси	660.42
1 Франция франки	621.50
1 Швеция кронаси	459.08
1 Швейцария франки	2512.61
1 ЭКЮ	4110.54
10 Япония иенаси	350.22
1 Россия рубли	2.04
1 Эстония кронаси	265.28
10 Украин карбованеци	2.88
1 Латвия лати	6414.46
1 Литва лити	909.25
1 Қозоқ тенгеси	165.62
1 Молдова лейи	882.77
10 Беларусь рубли	2.02

• Маҳалланг—ота-онанг

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўқув маркази республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллаларимизнинг шаҳримизни ободонлаштириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг қалбига Ватанга садоқат туйғуларини сингдиришга қўшаётган ҳиссасини кучайтириш мақсадида 14—15 апрель кунлари оқсоқолларнинг навбатдаги ўқуви бўлиб ўтди.

Ўқувни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов очди. Ўқувнинг биринчи куни республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуровнинг «Республика Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 12 сентябрдаги «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги қарорини бажариш билан боғлиқ долзарб вазифалар ҳақида», Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расуловнинг ушбу партия юритаётган халқчил сиёсат ва унинг олдида турган долзарб вазифалар, партия ташкилотларининг маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари тўғрисида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалоловнинг Миллий истиқлол мафкураси ғояларини тарғиб қилиш, халқимизнинг азалий анъаналарини, миллий қадриятларни тиклаш ва ҳаётга тадбиқ этишда маҳаллалар ва яшаш жойларида фаолият кўрсатаётган бошлангич партия ташкилотларининг ўрни хусусидаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мулкни хусусийлаштириш, давлат солиқ ва ички ишлар Бош Бошқармалари раҳбарларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Диний ишлар қўмитаси раисининг муовини У. Уватовнинг чиқишлари бўлди.

Ўқувнинг иккинчи кунида маҳалла оқсоқоллари Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Ҳамза, Чилонзор ва Шайҳонтоҳур туманлари маҳаллалари фаолияти, кичик, хусусий ва ҳиссадорлик корхоналари ,аҳолини, хусусан уй бекаларини иш билан таъминлаш тажрибаларини ўрганишди.

• Сўз—ўқув иштирокчиларига



Олим ОРТИҚОВ, Шайҳонтоҳур туманидаги «Наврўз» маҳалла оқсоқоли: — Маҳалламиз Кўкча даҳасида жойлашган. Ўтган йил ишга тушган «Исломобод» маҳалла маркази барча қулайликларга эга. Поликлиника, болалар боғчаси, телефон, алоқа станцияси ҳаштар йўли билан қурилди. Ўқувларнинг ташкил қилинишидан хурсандмиз, билимимизни оширдик, тажриба алмашдик, шаҳар раҳбарлари билан учрашганда етилган масалаларни уларнинг олдига қўйдик. Шундай мулоқотлар мунтазам бўлиб турса, ёмон бўлмасди.

Ғафур ЮСУПОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги Фирдавсий номли маҳалла йиғини раиси: — «Марказ—1»даги кўп қаватли уйларда яшовчи кўп миллатли фуқароларни ўз ичига олган маҳалламизга туман ҳокимлиги катта ғамхўрликлар кўрсатмоқда. Наврўз айёмида замонавий маҳалла маркази фойдаланишга топширилди.

Бугунги ўқув шуниси билан аҳамиятлики, унда Ўзбекистон ХДП котиблари иштирок этиб, юртимиз осойишталиги, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларда ҳар биримиз масъул эканлигимизни таъкидладилар. Қатор маҳаллаларнинг тажрибаси билан танишдик, ўзимизнинг ишларимиз тўғрисида гапирдик. Эшитган, кўрганларимиз асосида ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, камчиликларни тугатиш чораларини кўрамиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги мулоқотлар давомида тушган таклиф ва истакларни ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни мўлжаллашди.

Ҳа, икки кун давом этган пойтахт маҳалла оқсоқоллари ўқуви қизиқарли, мазмунли ва фойдали мулоҳазаларга бой бўлди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ ТИКЛАНИШИ

Хитой билан иқтисодий ва маданий алоқаларимиз бир неча минг йиллик тарихга эга. Хитой билан Шарқ ва Ғарбдаги кўплаб мамлакатларни бир-бирига боғлаган «Буюк ипак йўли» бизнинг қадимий шаҳарларимиздан ўтган. Қоғоз, ипак, чинни идишлар, биринчи босма китоблар Хитойда пайдо бўлган дейишади. Аммо бу кашфиётлар бизга ҳам жуда тез етиб келган. Кўп соҳаларда маҳаллий ҳунармандлар юксак маҳорат чўққиларини эгаллашган. Масалан, XI асрда дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқандда ишлаб чиқарилган. Савдо карвонлари Туркистондан Хитойга мунтазам қатнаб турган. Бу ўзаро алоқалар асрлар давомида халқларимиз манфаатига хизмат қилиб келган.

Машҳур аждодларимиз Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Ҳофизу Абру, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқалар ўзларининг жўғрофий асарларида Хитой, унинг табиати, одамлари хусусида хилма-хил маълумотлар ёзиб қолдиришган. Соҳибқирон Амир Темур даврида эса ўзаро дипломатик муносабатлар юксак даражага кўтарилган. Элчилар жўнатиб турилган. Жумладан, Шоҳруҳ Мирзо даврида Хитой элчилари Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун Ҳиротга келишган .Бунга жавобан Шодихожа бошчилигидаги катта элчилик гуруҳи Хитойга жўнатилган. Унинг таркибида бўлган Ғиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган сафарнома ўша даврдаги Хитой, унинг урф-одатлари, ўзаро муносабатлар ҳақидаги ажойиб тарихий ёдгорликдир.

Хитойнинг бугунги манзарасига бир назар ташлайлик. У дунёдаги аҳолиси энг кўп мамлакат эканини яхши биламиз. Ҳозирги пайтда Хитойда бир миллиард 200 миллион киши яшайди. Албатта, бунча аҳолини боқиш, кийинтириш, тартиб-интизомни сақлашнинг ўзи бўлмайди. Хитойнинг бой табиий заҳиралари ва меҳнаткаш халқи мўъжизалар яратишга қодир. Кейинги ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бунга мисол бўла олади. Ҳар йили мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ўн фоиз бўлмоқда. Жаҳон банки маълумотларига қараганда, 2000 йилда Хитой ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиши мумкин. Бу ислоҳотлар Хитойнинг собиқ раҳбари Дэн Сяопин раҳбарлигида бошланган эди. У хитойча хусусиятга эга бўлган социализм қуриш, ёки бошқача қилиб айтганда, социалистик бозор иқтисодини барпо этиш режасини илгари сурди.

Хитой 80-йиллар арафасида «катта сакраш» ва «маданий инқилоб» компанияларидан ниҳоятда чарчаган, иқтисодиёти тамомила издан чиққан эди. Амалга оширилган ислоҳотлар жамиятга янги ҳаёт бахш этди. Одамларнинг ташаббуси ва ғайратини қайта уйготди. Ҳозирги пайтда хорижий мамлакатлар билан биргаликда ташкил этилган 60 мингга яқин қўшма корхона, 120 минг хусусий корхона мавжуд. Мамлакатда давлат, жамоа, индивидуал, хусусий ва давлат-капиталистик мулк шакллари мавжуд. Дон, пахта, тамаки, пилла, чой, ёғоч тайёрлаш ҳажми ва унинг чакана нархларини давлат белгилайди. Қолган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эркин.

Хитой Коммунистик партиясининг 1992 йил октябрь ойида бўлиб ўтган XIV съезди ислоҳотларни жадаллаштириш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш йўлини белгилаб берди. Ҳозирги пайтда мамлакат 182 хорижий давлат билан савдо-сотиқ қилмоқда. Давлат валюта даромадларининг 80 фоизи маҳсулотларни хорижга экспорт қилишдан олинади. Айни пайтда чет эллардан машиналар, жиҳозлар, транспорт воситалари сотиб олинади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг икки ўртадаги ҳамкорлик алоқалари кенгая бошлади. Қадимий «Ипак йўли» қайта тикланди. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил март ойида Хитойга ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ташриф давомида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида 15 га яқин битим имзоланди. Улар асосида ўзаро борди-келдилар кучайди. Жумладан, Хитойнинг Синцзян — Уйғур Автоном райони билан ҳамкорлик алоқалари яхши самаралар бераяпти. Ўзаро самолёт ва поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бир неча бор ўтказилган Хитой маҳсулотлари кўргазмаси республикамизда катта қизиқиш уйготди. Ҳозирги пайтда 70 га яқин Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш олиб бораяпти. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпчиликка яхши маълум.

Икки мамлакат дўстлик жамиятлари ўртасидаги алоқалар анча илгари — 1958 йилда бошланган эди. 1989 йилда мустақил «Ўзбекистон — Хитой» жамияти ташкил этилди. Ана шу жамият доирасида хитойлик кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, саёҳатчилар мамлакатимизга келдилар, ўзбекистонликлар эса Хитой билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Хитой ва Ўзбекистон давлатлари ташқи сиёсатида уйғун жиҳатлар кўп. Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, тинч-тотув яшашнинг беш муҳим жиҳатига амал қилиш, тинчликсевар ташқи сиёсат юргизиш, барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш — Хитой ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидир.

Хитой Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэннинг юртимизга ташрифи, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тажрибасини ўрганиш биз учун фойдадан холи бўлмайди.

Носир МУҲАММАД, ЎзА мухбири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ҲАР СОҲАДА ҲАМЖИҲАТЛИК

Турсунхон Исоқова Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган, асли иқтисодчи. 1972—1980 йилларда Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида бош иқтисодчи, кейин туман мактабгача тарбия муассасаларида, Тоштепа қишлоқ кенгаши раиси ва бошқа вазифаларда фаолият кўрсатди.

1991 йилдан Ўзбекистон ХДП Бўз тумани кенгашининг биринчи котибидир. 1990 йилда иқтисод фанлари номзоди бўлди.

Оилада олти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгаши мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ истиқлолни мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик эътиборини ўзига қаратиш йўлида дадил одимламоқда. Тумандаги мавжуд 34 та бошланғич партия ташкилотида 1300 нафардан ортиқ ХДП аъзоси бор. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти котиби обрўли, ишлаб чиқаришда бошқаларга намуна бўла оладиган етакчилардан.

Биз туманимизда буюк келажагимизга муносиб кадрлар тайёрлаш, билимли мутахассислар етказиб бериш шу кундан бошланишини назарда тутиб, болалар боғчаларида тарбияланаётган жажжиларга, мактаб ўқувчиларига алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Аълочи ўқувчиларни, уларни тарбиялаётган ота-оналарни рағбатлантиришни йўлга қўйдик.

Туманимизда зиёлиларнинг кўпчилиги ХДПга хайрихоҳлик билдириб, унга аъзо бўлиб ўтяпти. Шунингдек, ёшларнинг бизга бўлган ишончини орттиришда худди шу зиёлилар, фахрий партиядошларнинг хизмати каттадир.

Туман кенгашининг иқтисодий томондан муаммоси йўқ. Ўзим иқтисодчи бўлганим учун фаолларимиз билан бамаслаҳат иш тутиб, ҳисобимиздаги нақ етти миллион сўм пулимизга 90 фоизли акция сотиб олганмиз, ундан тушган фойда ҳисобимизга тушаверади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IX пленумида қабул қилинган Миллий истиқлол мафкураси ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан меҳнат жамоалари, маҳалла ва муассасаларда турли тадбирлар уюштириб, олимлар, дин арбоблари ва эл-юртда обрўли кишиларнинг чиқишларини ташкил қилаяпмиз.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар Иттифоқи ва касаба уюшмалари билан доимий ҳамкорликни боғлаганмиз. Бундай ҳамжиҳатлик жамиятимизнинг умумий бутунлигини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ёшларни боқимандаликдан халос қилиш мақсадида уларнинг меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб бериш, ҳунар ўрганишга жалб этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Навоий номли жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби Ҳабибулло Раҳимовнинг бевосита ташаббуси билан хўжаликда атлас тўқиш цехи қурилди. Уйда ўтирган аёлларга дўппи тикиш, рўмол тўқиш имкониятлари яратиб бериляпти. Худди шундай, тумандаги Озод, Улуғбек номли жамоа хўжаликларида ҳам ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилляпти.

Туманда Зайнобиддин ота Обиддинов, Той Тожибоев, Рўзимат ота Зокиров каби ўнлаб партия фахрийлари борки, улар туман кенгашига ёрдамлари ва маслаҳатларини аямайдилар, доимо ҳар қандай ишга тайёрдирлар. Хуллас, ҳеч бир аъзо йўқки, партиявий топшириқларга лаббай, деб жавоб бермаган, уни масъулият билан бажармаган бўлсин.

Турсунхон ИСОҚОВА,
Бўз тумани партия кенгаши биринчи котиби.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ШИРИНТОЙЛАРГА 2,5 МИЛЛИОН СЎМ

Munavvarxon Холматова шаҳар партия кенгашининг аъзоси. Лекин узоқ йиллар партия ишида ишламаганми, ХДП Кўқон шаҳар кенгашига сидқидилдан ёрдамлашади. Одеял ишлаб чиқариш бирлашмасининг директориман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Янгиянги ташаббусларни бошлаб туради.

Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Фотиҳ Азимов билан Munavvarxon опанинг фикри бу сафар ҳам бир жойдан чиқди. Навбатдаги хайрли ишга қўл урилди. Шаҳар туғруқхонаси ва эмизикли болалар уйига беминнат ёрдам кўрсатилди. Ширинтойлар учун 2,5 миллион сўмлик одеял совға қилинди.

—Ёш авлодни соғлом вояга етказишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг вазифамиз, — дейди М. Холматова. — Қоларверса, ХДП аъзоси сифатида бу менинг бурчим. Зеро, партиямиз Дастурида бу масалага ҳам кенг эътибор берилган.

Ш. ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЗОҚ ЙЎЛ ЯҚИН БЎЛДИ

● Сурхондарё вилоятининг шимолий туман ва шаҳарлари аҳолисига хизмат кўрсатишга мўлжалланган Денов гўшт комбинатининг биринчи навбати ишга тушди.

Бу катта иншоотни тумандаги 280-механизациялашган кўчма жамлама бунёдкорлари қуришмоқда.

Комбинат тўлиқ қурилиб ишга туширилгач, бир сменада 10 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Ҳозирги кунда бу ерда гўштга топширилган моллар териси Самарқанд терини қайта ишлаш заводига топширилиб, ундан тушган фойда қурилиш ишларига сарф этилмоқда. Кейинги 2 ой ичида шу йўл билан ҳам 22 миллион сўмлик фойда қўлга киритилди. Шунинг ўзи ҳам бугунги шароитда тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг бир кўринишидир.

Комбинат тўлиқ қувват билан ишлай бошласа, бу ерда 200 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Бундан ташқари, вилоят туманларининг қарийб ярми 100—150 километр узоқликда жойлашган Термиз шаҳридаги гўшт комбинатига мол ташишдан қутулади.

Ҳуррам РАЙИМОВ.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

● Яқинда Бухоро шаҳрининг П. Неруда кўчасида «Соғлом авлод учун» болалар саломатлик маркази фойдаланишга топширилди.

Марказни 163-қурилиш трестининг 389-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари бунёд этдилар. Марказ бир йўла 380 беморга хизмат кўрсатади. Педиатрлик, жарроҳлик, ички касалликлар хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Эндиликда болалар соғлиғини муҳофаза қилишда катта имкониятларга эга бўлинди. Марказнинг 200 га яқин ходими болалар бошида парвона бўлишади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Гён ва бир гуруҳ ўртоқлар Фарғона вилоятида меҳмон бўлишди. Нуфузли меҳмонлар шарафига вилоят ҳокимлигида қабул маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг меҳмонлар вилоят электр алоқа корхонасида Жанубий Кореянинг «ДЭУ ТЕЛЕКОМ» фирмаси билан ҳамкорликда қурилаётган «ТАХ» автоматик телефон станциясида олиб борилаётган иш кўлами билан танишди. Вилоят ўлкашунослик музейида ташкил этилган «Фарғона вилоятида корейслар этнографик кўргазмаси» меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

СУРАТДА: Элчи Со Гён (ўнгда) бошлиқ меҳмонлар вилоят ўлкашунослик музейида ташкил этилган «Фарғона вилоятидаги корейслар этнографик кўргазмаси» билан танишмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўлкамизда баҳор... Наврўз баҳона Чироқчи туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ва касаба уюшмаси ташаббуси билан чироқчилик ота-оналар, шоир ва санъаткорлар Тошкентда хизмат бурчини адо этаётган аскарлар ҳузурида бўлишди.

Учрашувда туман ХДП кенгашининг ташкилий ишлар бўлим мудири Алибой Духмаров пойтахтдаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарларга қашқадарёлик шоир Сувон Соқийнинг «Сени излайман», чироқчилик ёш шоира Дилфуза Расул қизининг «Орзуларга ошно юрагим» шеърий китобларини топширди. Шунингдек, аскарларга сумалак тортилди.

Чироқчилик шоир Ғози Раҳмон Ватан, аскарлик бурчи ҳақидаги шеърларидан ўқиб берди. Туман маданият уйи қошидаги «Олтин қўллар» дастаси хонандалари дилрабо қўшиқлари билан йигитларни хушнуд қилишди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲМОН КЕЛСА ЭШИКДАН

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан бери йигитларнинг ота-оналари, маҳалладошлари ва жамоадошлари билан учрашувлари уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Наманган вилоятидан қисмимизга бир гуруҳ меҳмонлар келиб, кўнглимизни кўтаришди. Улар орасида Норин туман кенгаши депутати Жамолиддин Аҳмедов, Ҳаққулобод шаҳар мудофаа бўлими бошлиғи, майор О. Эгамов, Норин тумани маданият уйининг «Норин навоси» дастаси раҳбари Иброҳимжон Абдуллаев ва бошқалар бор эди. Аскар йигитлар билан ўзаро мулоқот, учрашув ва суҳбатлардан кейин ош тортилди. Катта концерт бўлди.

И. ХУДОЙНАЗАРОВ,
лейтенант.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

МУҲАММАДАЛИНИНГ ОШХОНАСИ

● Тошкент билан Паркент оралиғида ўнлаб ошхона, ресторан ва мослаштирилган таомхоналарга дуч келасиз. Зеро, масаллиқ ҳар ерда, лаззат бир жойда, деганларидек, йўловчи-ю шоферлар Болта қишлоғида тўхтаб ўтишни ёқтирадилар. Бонси Муҳаммадали бошлиқ оилавий пазандалар ошхонасида тайёрланаётган лағмон, ош, кабоб, норин, пўрсилдоқ нон-у хушбўй чой сингари миллий таомлар хўрандаларни мамнун этмоқда.

— Чирчиқдан Наманганга ўғит ташиймиз, — дейди наманганлик ҳайдовчи Рисмат Бобохонов. — Бу ерга шунчалик ўрганиб қолдикки, овқат вақти ўтса ҳам шу ошхонани кўзлаб, машинага газ босаверамиз. Таомлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда меҳмоннавозлик, мулозаматни ўрнига қўйиб, кўнгил овлашлар таҳсинга лойиқ. Тотли, арзон таом кимга ёқмайди, дейсиз.

— Ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, — дейди ошпаз М. Каримов. — Илгари оилавий ошхоналар очишга йўл бўлсин эди. Таом лаззати масаллиққа боғлиқлиги маълум. Лекин ҳафсала, масъулият, пулни эмас, хўрандани ўйлаш ишимизга омил бўляпти. Маҳсулотлар асосан томорқамиздан олинади. Сабзавот, мевачева, гўшт етарли. Шу боис таомлар нисбатан арзон. Қази, колбаса тайёрлаш ниятимиз бор.

Муҳаммадали қарийб йигирма йилдирки, шу соҳада хизмат қилиб, касбини ардоқлар келади. Бу масканнинг «Муҳаммадалининг ошхонаси» дейилиши ҳам бежиз эмас.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ.

• Истеъмол буюмларига кенг йўл

ЯНГИЙЎЛ МЕБЕЛИ—УЙИНГИЗ КЎРКИ

«Янгийўлмебель» корхонаси дарвозалари ҳар тонг чамаси 20-30 дақиқалар давомида гуррос бўлиб ишга келаётган одамлар билан гавжум бўлиб қолади. Икки мингга яқин ишчи гўё бир-бирларига ҳарорат улашиб ўтаётгандай, чеҳралари ёрқин, руҳлари тетик. Бир зум ўтмай цехларда иш бошланади.

Шоир:
Меҳнат!

Ҳаётнинг, борлиқнинг шеърияти меҳнат! деб куйлаганидек, меҳнат қўшиғи бошланади. Уйлаб, юзлаб қўлигул, ўз ишининг усталари бу ерда ёш болалар ёғоч кароватчалари, стол-стуллардан тортиб, хорижда тайёрланаётган мебеллардан қолишмайдиган «Саодат», «Зилола» деб номланувчи «Янги йўлмебель» тамғаси билан ҳар қандай хонадонни яшнатиб юборгувчи, буюмлар тайёрланмоқдаки, меҳнат аҳлига «Офарин!» демасдан илож йўқ. Қараб турсанг, бу ердаги барча кишиларнинг меҳнати бир-бирига занжирдек боғланган.

Билмадим, агар инсон ёлғиз қолса, у тоғдек кучга эга бўлганида ҳам, ҳеч қандай муваффақиятга эришолмасди. Инсон бир-биридан ҳарорат олади, бир-биридан ўрганади, бир-биридан ўзгиси келади. «Янгийўлмебель» корхонасида биз шуни кўрдик.

«САОДАТ»НИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Биринчи пардозлаш цехи бригадири Шокир Болтабоев билан тез ва қисқа иш жараёнида суҳбатлашдик.

— Қилинган ҳар бир ишимиздан қониқиш бўлса ишда унумдорлигимиз ўзидан-ўзи ошади. Чунки бунинг тагида манфаатдорлик ётади-да, — дейди Шокир Болтабоев, — иккинчидан, биз мусобақалашиб ишлаймиз. Мана бригадамда Холмат Турсунбоев, Сафар Бўронбоев, Мансур Ғайбуллаев бир-биридан гўзал, жозибали мебелларга пардоз беришади. Доим бир-биримизга ўргатамиз, ютуғимиздан илҳомланамиз. Улгуролмай қолсак, ёрдамлашамиз.

Шокир Болтабоев кўп йиллардан бери шу ерда ишлайди. Аслида, Холмат, Сафар, Мансурларга мебелсозлик касбини у ўргатган. Ҳозир у бошчилик қилаётган цех корхонанинг илғор жамоаларидан. Айни кунларда материаллар етишмаётган бўлса-да ҳар ойда «Саодат» деб номланувчи 300 донага яқин ётоқ набори, юзлаб журнал столлари ва бошқа маҳсулотларни харидорларга тортиқ этмоқда.

ҒАМХУРЛИК

Корхонада бир йўла 1200 кишига фаолият кўрсата оладиган, ишчиларни мунтазам кўрикдан ўтказувчи, соғлиғини текшириб турувчи даво маскани ишлаб турибди. Шифохона олий малакали шифокор Замира Седамитованинг назорати остида. Кардиолог, стоматолог, гинеколог, терапевт, массажчи каби мутахассислар ишчилар соғлиғининг ҳақиқий посбони бўлиб қолган десак, муболаға бўлмас.

Шифо масканида «Инфракиснолуч», «Лазер», «УЗТ» сингари ноёб тиббий ускуналар ҳам ишчи ва хизматчиларнинг мунтазам хизматида. Ахир, бу тиббий ускуналар айрим туманларнинг марказий шифохоналарида ҳам йўқ-да!

ЧИҚИНДИСИЗ ИШЛАШМОҚДА

Маълумки, бугун мамлакатимизнинг қай корхона, завод ва фабрикасига борманг, агар раҳбар ишбилармон бўлмаса, у мато етишмаяпти, бу материал тақчил бўлиб қолди, деган гап-сўзларни эшитишингиз табиий. Корхона ҳам яқин-яқингача хом ашёни қўшни республикалардан, асосан, Россиядан олиб келарди. Масалан, оддий шкафларнинг оёқчалари ҳам Россиядан келтириларди. Корхонада бунинг йўли топилди. Ёғоч чиқиндилари эндиликда ташлаб юборилмайди. Корхона чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясига ўтди. Чиқиндилардан шкафларнинг оёқлари ҳамда дурадгорлик буюмлари тайёрлана бошланди.

— Биринчи навбатда маҳсулот сифатига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Шу боисдан ҳам тайёрланган маҳсулотлар туриб қолмаяпти. Мебель буюмларига муҳтож ишчи-хизматчиларимизни арзон нархларда таъминлашни ташкил этганмиз. Бу фикр бирлашмамиз бош директори Суяр Халилович Сафдан чиққан эди. Шу боисдан уни кўпчилик тадбиркор, ишни кўзини биладиган раҳбар сифатида ҳурмат қилади, —дейди корхона бош директорининг ўринбосари Тошқин Қорабоев.

Корхонанинг мавжуд олтита цехида ишлар бир маромда ташкил этилган. Маҳсулот тайёрлаш кунлик ўсишида олдинга силжиш борки, орқага кетиш йўқ. Бунинг асосий сабаблари ишбилармонлик билан иш юритишда. Масалан, яқинда корхона раҳбарияти Марғилондаги «Атлас», Фарғонадаги «Трикотаж» бирлашмаларида бўлиб улар билан шартномалар тузиб, қайтишди. Эндиликда, корхоналар бир-бирларида тайёрланган маҳсулотлар билан эҳтиёжларини қондирадилар. Иккинчидан, корхонада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланиши ҳам самарадорликни оширишда омил бўлмоқда. Корхона касаба қўмитаси раисаси Анвара Саиднованинг таъкидлашича, Лилия Осмоновага, Х. Иброҳимовага, Замира Ҳамроқуловаларга 500 минг сўмдан ёрдам пуллари берилган. Ишчи-хизматчиларнинг овқатланишларига ҳам талонлар тарқатилади. Тўй ва маросим эгаларига ёрдам пуллари берилган. Яқинда корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандларини 10 та автобусда Тошкентга сайрга олиб боришган. Хуллас, касаба уюшмаси қўмитаси томонидан шу йилнинг ўзидагина корхона хизматчиларига моддий ёрдам сифатида 51 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланган.

Бирлашма маъмурияти хорижий фирмалар билан ҳам алоқа ўрнатишга интилмоқда. Ҳозир Россия, Туркия, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса шуки, «Янгийўлмебель» корхонаси меҳнат жамоаси келажакни кўзлаб дадил ҳаракат қилмоқда. Тўғри, халқимизнинг бежирим мебелга бўлган талаби албатта бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар билан қондирилиши қийин. Лекин корхона раҳбарияти халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, аввало сифатини ошириш йўлларини қидирмоқда. Шу боисдан бўлса керак, тайёрланган маҳсулотлар дўконларда турib қолмаяпти. Ҳатто маъмуриятдан илтимос қилиб шу ердан олиб кетишаётган харидорлар кундан-кунга кўпаймоқда. Корхона бош директори Суяр Саф билан суҳбатлашаётганимизда икки киши кириб келди. Уларнинг мақсадлари мебель харид қилиш эди. Хонадонларимизни бежирим, кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшаётган корхонадан қайтар эканмиз, куч бирликда, аҳиллиқда эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чунки корхона аҳли бир мақсадни кўзлаб меҳнат қилишаётган экан, қилинган ишлар баракали, тайёрланган маҳсулотлар эса сифатли-харидоргир бўлаверади.

Каримжон РИХСИЕВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ХИТОЙ ВА ҚОЗОҒИСТОН ТРАКТОР ВА АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАЙДИ

АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси ҳукумати «Қозоғистон Республикаси Президентининг ХХРга қилган расмий сафари чоғида эришилган шартнома ва аҳдномаларни амалга ошириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ана шу ҳужжатга биноан шу ойнинг ўрталарида Хитойда тракторлар ва автомобилларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хитой—қозоқ қўшма корхонаси ташкил этилади. Бундан ташқари икки давлат ўртасида иқтисодий алоқаларда икки томонлама солиқ олиш бартараф этилади. Хитой пулларини республикага киритиш, темир йўл, автомобиль, ҳаво ва сув транспорти соҳаларида ҳамкорлик қилиш дастурларини яратиш тадбирлари белгиланган. Шунингдек, Алмати шаҳрида халқаро классдаги меҳмонхона биносини лойиҳалашни тугаллаш ҳам мўлжалланган.

ИШЧИЛАРНИНГ САНАТОРИЙДА ДАВОЛАНИШИ АРЗОН

АШГАБАТ. Мари шаҳрида туркман азот заводининг санаторий-профилакторийси очилди.

Унда юрак-томир, асаб тизими ва нафас олиш хасталигига учраган беморлардан 100 киши бир йўла даволаниши мумкин. Санаторийда даволаниш йўлланмаси 610 манат туради. Завод ишчилари эса фақат 50 манат тўлайдилар. Ҳозирда Мари вилоятида 6 санаторий ва профилакторий ишлаб турибди.

ОФАТ КУТИЛМАГАНДА КЕЛАДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда ўтган март ойи фожиали келди. Йиллик миқдоридан ортиқ ёққан ёғингарчилик қатор тошқин ва ўпирилишларни келтириб чиқарди.

Одамлар нобуд бўлди. Ўш вилоятининг ўзган туманидаги тоғ бағрида ҳам юз берган офат навбатдаги кутилмаган зарба бўлди. Комсомол қишлоғига ёпирилган сурилиш йигирма саккиз қишлоқни ёпиб юборди. Март ойида ҳалок бўлган кишиларнинг сони 99 кишига етди. 353 та уй тўла вайрон бўлган. 1518 та уй шикастланган. Халқ хўжалигига келтирилган зарар Россия рублида 60 миллиард ҳисобланмоқда.

Табиий офатдан зарар кўрганларга фақат Қирғизистоннинг ўзидан эмас, балки Россия ва Қозоғистондан ҳам ҳар томонлама ёрдам келиб турибди.

ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ленинобод вилояти маркази — Хўжанд шаҳри аэропортидан халқаро парвозларни йўлга қўйишга рухсат берди. Бу парвозлар аэропортга биркитилган ҳаво кемалари билан амалга оширилади.

ЯНГИ ГЭС

Тоғли Бадахшон вилоятида йилига 700 минг киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарадиган «Помир—1» гидроэлектр станциясининг биринчи навбати ишга тушди.

Тез кунларда унинг иккинчи навбати ҳам ишлай бошлайди. Республикада ана шундай кичик ГЭСлар қуриш учун 5 миллиард 630 миллион рубл имтиёзли қарз ажратилди.

ПОКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН АЛОҚАЛАРИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон Олий Кенгаши раиси Имомали Раҳмонов бошчилигидаги республика делегацияси расмий ташриф билан Покистонда бўлди.

Ташриф давомида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг муҳим жиҳатлари муҳокама этилди, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Тожикистондаги ички вазиятни барқарорлаштириш ҳақида ҳам ўзаро фикрлашиб олинди.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР

АЛМАТИ. Қозоғистонда молия-кредит сиёсати ва банклар фаолиятини бошқариш учун мамлакат президенти ташаббуси билан кенгаш-маслаҳат идораси — экспертлар банк кенгаши ташкил этилди.

БОЙҚЎНҒИРДА ЁНҒИН

АЛМАТИ. Бойқўнғир космодромида кучли ёнғин пайдо бўлди. Бу кўнгилсиз ҳодиса монтаж-синаш комплексларидан бирига кичик қурилишдан ўтган, шундан кейин бу масканга хизмат кўрсатувчи ҳарбий қисм қароргоҳига ўрмалаган.

Дастлабки ҳисоб-китоблар уч миллиард рубл зарар ҳисобланмоқда. Бироқ, технологик ускуналардан фақат телеметрик минора шикастланган. Бу зарар парвозларга салбий таъсир этмаслигини мутахассислар айтмоқда. Шунинг учун ҳам «Прогресс» кемасини ўчириш муддати ўзгармади.

ФАЛОКАТ ОЛДИ ОЛИНДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида Норак ГЭСини портлатишга бўлган уринишнинг олди олинган эди.

Бу ишни амалга оширмоқчи бўлган жангариларнинг кўпчилиги Афғонистонга ўтиб кетгани маълум.Лекин шундан буён қидирув ишлари давом этяпти. Яқинда аниқланишича, экстремистлар 3 та Зил автомашинасига юкланган портловчи моддаларни гидроиншоот остидаги лаҳмга жойлаб, уни портлатмоқчи бўлишган. Агар бу ёвуз ният амалга ошганида кўплаб қишлоқлар сув остида қолган бўлур эди.

ҚУРЪОН ТУРКМАН ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

АШГАБАТ. Мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръон туркман тилида биринчи марта чоп этилди.

Икки минг нусхада чоп этилган бу китобни республика халқ ёзувчиси Отамурод Отабоев ва таржимон Давлатмурод Каримов амалга оширдилар. Ноёб китоб Россия Республикаси Фанлар академиясининг Москвадаги босмахонасида чоп этилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• ОДАМ ВА ОДАМГАРЧИЛИК

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ МАКОНИ ҚАЕРДА?

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши концерни раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси Солижон МАМАРАСУЛОВга

ОЧИҚ ХАТ

Азим Тошкентнинг бағри кенг: бир оқшом тунаб кетган сайёҳдан тортиб, бир пой ковуши тегиб ўтган ажнабий меҳмонга қадар бу шаҳри азимда мармар тахтачалар мавжуд: у киши яшаган, бу киши тунаган... Буларнинг барчаси керак, зотан, улар бизнинг кечаги кунимиз, кечмишимиз, тирик тарихимиз. Лекин республиканинг 40 йиллик тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган атоқли ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов қаерда яшаган? Қачон ўз қадримизга етамиз? Тўғри, Рашидов ҳақиқати ойдинлашди. Унинг номига пойтахт марказида кўркам хиёбон, марказий шоҳкўча қайтарилди. Рашидов номида туман, хўжаликлар, маҳаллалар пайдо бўлди. Лекин жамоатчиликнинг асосийдил ўринишига қарамай, Рашидов умрининг охирги дақиқаларига қадар яшаб келган оддийгина шаҳар квартирасини унга қайтаришнинг иложиси топилмай турибди. Аллақачон ўзига хос зиёратгоҳга айланиши мумкин бўлган бу даргоҳда бугун бошқача руҳ ҳукмрон: арвоҳ чирқираб турибди... Рашидов оиласи эмас, балки унинг уй—музейига тааллуқли нодир ашёлар эса, шаҳар четидаги бир хонали кулбада устма-уст қаланиб ётибди. Начора, шоҳкўчага муносиб кўрилган Рашидовга унинг қонуний уйи қайтарилмади? Наҳотки, аллакимларнинг кўнглида инсоф ва диёнат уйғотиш учун ҳам фармойиш керак бўлса? Хўш, Рашидов қаерда яшаган? Унинг макони қаерда бўлган? Бу уйнинг бошидан не савдолар ўтди? Нега ани марҳум оиласига — қонуний эгасига қайтариш оғир кечмоқда?

Раҳматли Рашидов чин маънода меъмор эди. Рашидов замонида озмунча қурилишлар бўлдими?! Ўша давр Ўзбекистон харитасини олиб кўринг: улкан қурилиш ҳавозаси ансамблига ўхшайди. Эски Тошкент янги бўлди: «Ўзбекистон», «Чорсу» меҳмонхоналари, собиқ «Ленин майдони», «Халқлар дўстлиги», «Санъат» саройлари, метро, телеминора, сонсаноқсиз маъмурий бинолар... Рашидов уларнинг биронтасини ўзи билан олиб кетмади, аксинча, унинг пешонасига битилган бир қулоч ерни ҳам тортиб олдилар. Лекин Рашидов даврида нимаики қурилган бўлса, ҳаммаси халқ мулкига, юрт кўркига айланиб қолди. Хўш, унинг тупроғини тепкилаган нонкўр «шогирд»лар нима қуриб улгурдилар? Нима қолдирдилар? Бир эсланг: 1983—89 йилларда, 5 йил мобайнида Тошкент турмаси ҳам энига, ҳам бўйига кенгайди, холос, ер ости ҳибсхоналар, изоляторлар сони ошди. Бутун Ўзбекистон тергов зонасига айланди. Шунда ҳам ўзимизда қамоқхоналар етишмай қолди ва Ўзбекистон собиқ СССРдаги барча турмаларни маҳбуслар билан таъминлаб турди. «Матросская тишина», «Лефортово», «Бутирка», Нижний Тагил, Сибирь бараклари ўзбекларга тўлиб-тошиб кетди. Илгари бу юртларга ноз-неъмат юбориб, дастурхонини тўлдириб турган ўзбеклар энди сон-саноқсиз камераларни тўлдириб, тергов беришарди. Юрт таҳқир этилди. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» каби уйдирмалар ўйлаб топилди. Пахтакор каби қурувчининг ҳам боши терговдан чиққани йўқ. Хуллас, шундай бир давр бўлди, «қайта қуриш» довулида қуришдан кўра бузиш авж олди. Афсуски, чўқмор ўтарганларнинг барчаси ҳам бегона эмасди. Тарих ҳукмини қаранг, ўт қўйганларнинг ўзи ўтга, қамоқхона қурганларнинг ўзи қамоққа тушдилар! Шароф Рашидов эса ҳамон бирдай халқ эъзозида, одамлар юрагида. «Шоҳлар ва султонлар ўзлари қурган биноларнинг пештоқида умрбоқий яшайдилар», деган экан бобомиз соҳибқирон Амир Темур. Бу ҳамма даврларга хос, ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Хайриятки, сўнгги йилларда юрт бағрига шамол тегди. Энг муҳими, муҳит ўзгарди. Бироқ қисқа «қайта қуриш» давридан ва «лаббай-чи» ўтмишдош раҳбарлардан оғир мерос қолганди. Шунга қарамай Ўзбекистонда яна қурилиш ҳавозалари қад кўтарди. Биргина ўтган йилимизни олиб кўринг: ҳашаматли «Ғуркистон» саройи жаҳон меъморчилиги даражасида бўлди. Бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳайкаллари, Алишер Навоий ҳайкали ансамблни тўлдирган бўлса, Андижон ва Чирчиқда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкаллари тарихий адолатни тиклади. Пойтахтда метронинг янги қасрлари шитоб билан қурилмоқда, майдонлар кенгаймоқда, минглаб уй-жойлар, юзлаб маҳалла гузарлари пайдо бўлди. Умуман республикада маҳаллалар қайта тузилмоқда. Уларнинг марказлари яхлит ва шинам қиёфа кашф этиб шаҳар ичида шаҳарчалар яралмоқда. Маҳалла аъзоларининг қайтиши катта силжиш бўлди. Маҳалла ҳаётининг келажаги порлоқдир.

Энг муҳими, Ўзбекистонда янгисини қурмай туриб эскисини бузмаслик умум шиорга айланди. Бу фақат қурилишга эмас, кундалик турмушга, маънавий ҳаётимизга ҳам таллуқлидир. Мустақил Ўзбекистон бугун ўзи танлаб олган тараққиёт йўлидан дадил, олға бормоқда. Ўзбекистоннинг бағри бутун. Ўз тили, ўз дини, ўз эътиқодига эга. Республика бугун шитоб билан қурмоқда, яратмоқда ва айни пайтда ўз умрини ўтаб бўлган барча қолип ва андозалардан воз кечмоқда. Ўзбекистоннинг бўйи эндиликда жаҳоннинг ҳамма бурчларидан яққол кўринib турибди, унинг овозини жаҳон тингламоқда. БМТ қошида 12 юлдузли мовий байроғимиз ҳилпираб турибди. Бугун нафақат Ўзбекистон, балки Шарқнинг фахрли фарзандига айланган Ислом Каримов ўзининг тинчликсевар ва адолатли сиёсати, барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқли, дўст-биродар бўлиб яшашини таъминлаган амалий тамойиллари билан жаҳон ҳамжамиятидан алоҳида обрў-эътибор топганлиги бежиз эмас. Бу қонуний ҳолдир. Катта меҳнат оқилона сиёсат мевасидир. Нима сочсанг, шуни терасан, нима эксанг шуни ўрасан, дейдилар.

Шароф Рашидов ҳам аслида яхшилик уруғини сочишда саҳий қалб бўлган. Буни унинг душманлари ҳам рад эта олмайди. Саҳийлик ҳам турлича бўлади: бировлар ўз атрофи учун саҳий бўлса, бировлар келажак авлод учун ҳам ҳеч нимани аямай яшайди, биргина пойтахтда уй-жой қурилиши ҳажмини йилига бир миллион квадрат метрга кўтариб ва лекин на Тошкентда, на Ўзбекистоннинг бирон бир бурчида ўзи учун биронта кулба қурмаган Рашидовни қайси тоифага мансуб санаш мумкин? Бу нима, соддаликми ёки донишмандликми? Биз ошиқмайлик, бугун Архитектура соҳасида Шароф Рашидовга, ҳаётдан кўз юмганининг ўн биринчи йилида Алишер Навоий мукофотининг берилиши даврнинг энг муносиб баҳоси эмасми? Ўз пайтида республиканинг бирон-бир мукофотига қўл чўзмаган Шароф Рашидов бир умр Навоий даҳосига сиғиниб яшаб, унинг улуғ сиймосига чексиз ҳурматда бўлган ва ўша мукофотга имзо чекилган кунда шубҳасизки, унинг руҳи чексиз шодланди. Арбоб, ижодкор, нозиктаъб Рашидовни яхши билганлар уни кўп жиҳатдан устоз Навоийга нисбат берардилар. Лекин унинг ўз даврида Навоий номида мукофот ташкил этишига уринишлари зое кетганлигини биламиз. Навоийдан Ҳамзани устун қўйиб, боласини бобоси бошига чиқарган инқилобий кучларнинг қўли баланд бўлса, на чора, ёлғиз Рашидов нима ҳам қила олсин! Афсуски, Рашидовдек инсон ҳам кўпгина ёвуз кучларнинг қошида ожиз эди...

Дарвоқе, Рашидовга Навоий мукофотининг берилиши Ўзбекистонда биронта ғишт қўймаган, аксинча, қанчадан-қанча ғиштларни қўпорган ва Навоий каби улуғ боболаримиз руҳини мудом таҳқирлаб келган собиқ Марказ — Москвадаги айрим собиқ арбобларнинг жазавасини қўзғаганига бало борми?! «Мустақил Ўзбекистон қандай мукофотлар таъсис этиб, уларни кимга бериши билан сизнинг қанчалик ишингиз бор, муҳтарам жаноблар?» деб сўрагингиз келади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймайдими? Мукофот борми, маблағ борми — фақат юқоридан тақсимлаб келган «катта оға»миз ҳамон ўша фармонбардорлик кунларни қўмсайдилар, шекилли?! Ўзбекистондан ҳар фармойиш ва қонун матни ўқилганда улар илон ҳаққандек бир сапчиб тушадилар. «Раҳнамолик» қўлдан кетса ҳам, аллакимларнинг ҳаёлини тарк этмаётир. Бот-бот тушларига кириб, оғизларининг суви оқади. Айримлари кўзи очилиб, ҳақиқат қошида ноилож оғзининг сўлакайини артишдан ўзга чора топмаса, айримлари ҳамон тиш ғижирлатиб турибди. Кечаги чексиз салтанатни қўмсаб, ўзини ўққа-чўққа ураётган ва очиқдан-очиқ ўз нафратини яширолмаётган, етти пуштигача босқинчи ўтган «халоскор»имизга нима деймиз. Бошингизда чарх уриб ва яна қанча авлодларингизга ором бермайдиган хом хаёлларингиз учун сизга ҳамдардлик билдирамиз, холос. Кўп еган кўп тамшанар, дебдилар. Начора, тарих ғилдираги аллақачон бошқа тарафга айланиб кетди. Бунга энди кўникиш керак! Жириновский ва жириноваский каби «жанубда тартиб ўрнатиш»га чиранаётган «доҳий»ларнинг қўлтиғига сув пуркашдан фойда йўқ. Минг шукурки, мустақиллик ортга қайтмас кучга, қудратга эга. Мустақиллик карвонининг бошида ўз халқининг фидойилари турибди! «Мен аллақачон ортимдаги барча кўприкларни ёқиб юборганман!» деганди Ислом Каримов Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ. Бу бор гап!

Кечаги кунимизни чуқурроқ мушоҳада қилар бўлсак, жириновскийлар башараси бизга янгилик эмас. Кечаги сиёсий босқинчи Егорь Лигачевнинг асл муддаоси Жириновский мақсад-йўлидан айрича эдими? Уларнинг «қон группа»лари айнан бир хил! Укки қарашли Лигачевни яқиндан билган ва кузатганлар уни «кўк кўзли азроил» дейишарди, юзидаги сариқ туклар тезга ҳурпаядиган, рангидан қони қочиб, овози бўғиладиган ва лекин қаҳр-ғазабдан чекинмайдиган, қурбонлар устидан янчиб ўтишни хуш кўрадиган, бировнинг қийналишидан завқланадиган шафқатсиз зот деб таърифлашади. Худога шукур, Жириновскийга ҳали сўздан ишга ўтиш имкони туғилганича йўқ. Мустақиллик омон бўлса, туғилмайди ҳам! Лекин Лигачев Ўзбекистонда анча-мунча қон тўкиб улгурди. Бу жангоҳда уни ўтмишдош собиқ ҳамкасблари Фрунзе, Ёжов, Бериялар билан муқояса қилиш мумкин. Улар давр нуқтаи-назаридан фарқ қилсалар-да, касб-корлари, ҳунарлари бир хил эди. Бирлари ҳарбий, яна бирлари сиёсатдон, бироқ қўллари баб-баравар қон!

Егорь Лигачев Тошкентга ташриф буюрган 1984 йил июнидан кейин юртда ёвузлик чўққисига чиқди. У қўлдаги қиличи билан машъум «XVI пленум»га дирижёрлик қилди. Рашидовнинг порлоқ хотирасини ёқ ости қилиш ана шу пленумдан бошланмадими?! Бунинг оқибатида Рашидовнинг ҳамма хизматларини, шу жумладан, уни эслатадиган ҳамма нарсани ер бетидан супуриб ташлашга уриндилар. Биз у кунларни қайта эслашдан ҳеч ким миннатдор бўлмаслигини биламиз. Лекин тарихни эсга олишдан мақсад — келажакка тўғри йўл солишдир. Ўтмиш хаталари бизга сабоқ бериши мумкин. Ўша оғир кунларда Ўзбекистонга осон бўлгани йўқ, юрт ороми бузилган, кўрпага ўт кетган бир пайт эди. Марҳум Рашидов оиласидан ўч олдилар: барча бедодликлар устига унинг кўп қаватли умумий уйдаги оддий квартираси тортиб олинди. Оила кўчада қолди. Рашидовнинг қабрини қўзғатишди! Фарзандларини қувғин қилишди. Рашидовнинг «яқин»ларини аниқлашга тушиб кетдилар. На чора, бутун Ўзбекистон Рашидовга яқин эди. Бутун Ўзбекистонни қатағон қилиш бошланди!

Шароф Рашидов нафақат Ўзбекистон тарихини, балки собиқ иттифоқ ўтмишини ўрганиш, илмий ва амалий тадқиқ этишда бармоқ билан санарли шахслар қаторига киради. Иосиф Сталин замонида олий эшелонга кирган ва Николай Шверник, Климент Ворошиловлар билан яқин мулоқотда бўлган, Никита Хрушчев, Леонид Брежнев, Юрий Андроповлар бошқарган президиум ва сиёсий бюролар таркибида турган инсон тирик тарих эмасмиди? Нимага улгурган ва улгурмагани, нимага қодир бўлган ва қодир бўлолмаганидан қатъи назар унинг умри қандай кечган бўлса шундайлигича тарихнинг катта бўлаги эканлигидан кўз юмиб бўладими? Ўз тақдирида давр тақдирини акс эттира олган шахслар ҳаётда ҳар куни туғилавермаслиги аён-ку! Рашидов қарашлари ва ғоялари билан келишмаслик мумкиндир, лекин уни тарих саҳнидан юлқиб олиш мумкин, деганлар хато қилади. Ҳар бир тарихий шахснинг илдизига болта уриш — айни пайтда у мансуб бўлган миллат ва халқни парчалаш демакдир. Рашидовга ўз замонаси мезонлари ва бугунги кун нуқтаи-назаридан ёндошганда ҳам у бетакрор ва ўзига хос сермазмун йўлни босиб ўтганлигини кўрамиз. Унинг қирғин-барот иккинчи жаҳон урушидан ногирон қайтиб, 25 ёшида обком котиби, 30 ёшида «Қизил Ўзбекистон» бош муҳаррири, 33 ёшида Олий Совет Президиумининг раиси, 42 ёшида Республиканинг биринчи раҳбари даражасига кўтарилиши ва 20 йил давомида Сиёсий бюро таркибида туриши, қарийб чорак аср республикани бошқариш — ана шу тарихнинг муҳим нуқталаридир. Иккита қаҳрамонлик Юлдузи, 10 та Ленин ордени, ўнлаб жанговар орден ва медаллар мустабид сиёсат қўлидан олинган бўлса-да, муайян даврда унинг шон-шавкати республика ва унинг халқи учун ишлагани рост. Мустақиллик тарихи ва янги давр бағридан унинг байроқдори Ислом Каримовни ажратиб бўлмаганидек, республиканинг муайян даври тарихидан Шароф Рашидовни ҳам айри тасаввур этиш мумкин эмас.

Рашидов даврининг энг адолатли баҳосини берган биринчи раҳбар ҳам Ислом Каримов бўлди. У даврнинг салмоқли ютуқлари билан бир қаторда ўзига хос ожиз ва чегараланган томонлари мавжуд, албатта. Рашидовнинг ҳар бир қадами мустамлака сиёсат билан занжирбанд этилганини назардан қочирмасак, у кунларнинг ҳар бир одими ўзига хос салмоққа эга бўлади. Нима бўлмасин, республиканинг қарийб 40 йиллик тарихидан қайси қиррасини олиб кўрманг, санъатми, маданият ёки сиёсат йўлими Рашидов сиймоси кўзга ташланиб турибди. Республиканинг тепасида ҳам бу одамга осон бўлмаганини кўплар яхши биладилар. Рашидовнинг филдек юраги собиқ КГБ раиси, Афғон урушининг ижодкори Андроповнинг ноҳақ санчилган найзаларига дош беролмади. Дардаламини ичига ютиб ўрганган ва энг оғир дамларда Ўзбекистонни кезишга одатланган Шароф Рашидов 1983 йил кузида навбатдаги сафарга отланди. Бу энг охирги куз, энг охирги сафар эканлигини Рашидов билармиди? Жанубдан шимолга қадар беадад чўзилган пахта далаларининг энг шимолий нуқтасида, замондошлар учун битмас армон ва жароҳатга айланган мажруҳ Орол пойида, гўё, дардли Оролга бош қўйгандек Рашидов ҳаёт билан видолашди. Мустабид замоннинг қилич қайраган сиёсати ва бешафқат қисмати уни ҳам четлаб ўтмади. Тенгсиз зиддиятда эзилган, кўз илғамас найзабозликда қиймаланган, адолатсиз сиёсатдан сиқилган, хўрланган юрак беором тепишдан тўхтади. Хурсаной опа ҳаммасига гувоҳ: ўлим кутилмаганда юз берди. Мустабид сиёсат унинг ҳам бошини еди!..

Қора тупроққа киргач ҳам бечора Рашидовни тинч қўймадилар. Кимлар учундир унинг халқ ўртасидаги обрўси «хавфли» эди. Марҳум Рашидов билан олишув бошланди. Бу олишув аслида «сирли ўлим»нинг давоми эди. Марҳум билан олишувда бир гуруҳ кишиларнинг жирканч қиёфалари яққол кўринди. Бу курашда улар Рашидовга қўшиб Ватанни ҳам сотишгача борib етдилар. Хоинлар энг тубан, энг жирканч усуллардан ҳам тоймадилар. Пасткашликнинг панжаси ҳамма жойда ўз изини қолдирди. Марҳумни сўроқ маларни ўйлаб топиш билан ўз бошига ўзи мағзава тўккан нодон ва нопок сиёсатфуруш ҳам аслида Рашидов этаги остидан чиққан жўжачалар, тўғрироғи палаҳда нусхалар эди. Рашидовдек фавқулодда синчил ва кузатувчан шахс ҳам одам танлашда бот-бот адашган экан. Одам боласи мураккаб мавжудот экан, худо ерда бўлса, заминдаги шайтонлар унга ҳам чап берарди. Лекин ҳаёт ҳаммани ўз қамчиси билан жазолайди. Муғомбир тумшуғидан илинганини ўзи билмайди. Фактлар ўжар: Рашидов қабрини очиш жараёни, барча мудҳиш қароқчилик каби, ярим тунда амалга оширилган эди. Халқ кўзидан чўчишган, албатта. Қор ёғди, излар босилди, деб юрган кўршапалаклар чучварани хом санашган кўринади. Фактлар кўчирилган эди. Тасвирлардан бирида биз жараёнга бевосита раҳбарлик қилган собиқ Министрлар Советининг Раиси Ғайрат Қодировни танийлиз. (Ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша тунда тиззалари қалтираган Қодиров кучли ёритувчи аппаратларнинг кабелига ўралашиб, очиқ турган қабрга қулаб тушади). Бир қанча фактлар уларнинг кўлоёғи қалтираб иш кўрганини тасдиқлайди. Яна бир тасвирда биз ўша йиллардаги шаҳар мэри Мирсаидовнинг бетиним бурқситиб чекаётганини кўрамиз. Ўша тунда Тупроққўрғондаги оқ уйнинг чироқлари тонггача ўчмаганини эслашади. Бу хоналарда ҳам ўз қилмишидан юрак ҳовучлаганларнинг уйқуси ўчган эди. Қолаверса ,улар Москвадан суюнчи олишга ошиқарди!

Ҳужжатларнинг қайсарлигини кўринг-а, улардан бирида шундай «жанговар» сўзларни ўқийсиз: **«РАПОРТ. Рашидовнинг Жиззах шаҳридан кўчириб олинган бронза бюсти ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида аввал майдаланиб, сўнгра бизнинг кузатувимиз остида эритилди ва ҳосил бўлган 102 килограмм бронза қуймаси шу комбинат қошидаги заводга топширилиб, акт қилинди... Комиссия раиси: имзо. Комиссия аъзолари: имзо».** Маълумот учун шуни қўшимча қилиш мумкин: комиссия аъзоларидан ҳам биронтаси «бегона» эмасди. Дарвоқе, комиссия раиси Рашидовнинг бевосита кўмагида совхоз агрономлигидан обком нинг биринчи котиби даражасига қадар кўтарилган ва сўнгги йилларда республика халқ контроли қўмитасига раислик қилаётган шахс эди. Комиссия аъзоларининг ҳар бири ҳақида шундай таъриф келтириш мумкин, Рашидов марҳаматидан баҳрамand бўлишда улар бир-бирларидан кам эмасдилар, унинг бюстини парчалашда ҳам улар бас бойлашиб, енг шимариб турдилар. Тўғри, уларнинг айримлари бу гуруҳларга мажбурий оқим оқибатида беихтиёр тушиб қолишган, уларга таъна қилиш ҳам инсофдан эмас, табиийки уларни виждон азоби ғўр азобидан кўпроқ қийнайди, қиймалайди. Лекин уларнинг аксарияти ҳибсда эмас, оқ уйнинг иссиқ ўриндиқларида ўтирган, ўз уйида, бола-чақасининг бошида турган маҳаллий кимсалар эди. Сотқинликка уларни нима мажбур этди экан?

Шу ўринда муқояса учун бир кичик чекиниш ортиқчалик қилмас. Раҳбарлар орасида ҳам юртини, халқини сотмаганлар бор эди. Шу жумладан, энг оғир шароитларда ҳам, жаллод сиртмоғига тушиб, энг даҳшатли ҳибсхоналарда ҳам Рашидов номига бўлган ҳурмат ва садоқатидан қайтмаганлардан бири Бектош Раҳимов бўлди. Бу алоҳида мавзу, албатта. Бошда қилич ўйнаб турганда ҳам адолат йўлидан оғишмай турганлар сафида биз Н. Ж. Худойбердиев, О. У. Салимов, М. М. Мусахонов, М. Г. Хван, И. С. Умаров, Ҳ. Умаров, В. А. Антонов, Н. Р. Ҳамроев Қаллибек Камолов, Бобомурод Омоқилиш бошланди. Рашидовга қарши курашга сиёсий тус берилди. Уни гўрдан олиб гўрга солдилар. Лекин хоинлар бир нарсани — сотқинлик абадий яшамаслигини унутдилар. Ўша машъум кунларнинг сабоғи нимада?

Афсуски, Рашидов қабрига чиқиб тепганлар, унга тош отганларнинг биронтаси «бегона» эмасди. Сопини ўзидан чиқаришганди. Рашидов қабрини бузиш ҳақидаги қарорга имзо чеккан бедаво зот унинг ҳаётдаги энг ишончли «вориси» эди. Рашидов унинг халқ оқсоқоли бўлиб танилган отаси туфайли, яхшидан ёмон бўлмас, деган умидда талабалик йилларидан бошлаб қулоғидан тортқилаб юқорига чиқарган эди. Рашидов қабрини кўчириш комиссиясига бошчилик қилган «ботир» ҳам, «Шароф-рашидовчилик» каби ҳақоратли атаНов, Ўктам Орипов, Мурод Шарифхўжаев каби кўплаб ҳалол виждонли кишиларни кўрамиз. Ҳатто «десант»чилар сафида ҳам В. Н. Лобко, Р. А. Попов, Д. Д. Берков каби ўз виждонига хилоф иш тутмаган кишилар бўлган. Фан ва маданиятимизнинг буюк намояндалари С. Ҳ. Сирожиддинов, О. С. Содиқов ва Ғ. М. Мавлонов каби алломаларимиз ўлим тўшагида ҳам виждон йўлига заррача қиёнат қилмадилар. Лекин ўша йилларда собиқ марказ атрофида гирдикапалак бўлган бир гуруҳ шахслар топилдики, улар зиндон ва ертўлалардан узоқда, зах ҳидини ҳис қилмай туриб, юмшоқ ўриндиқларда оёқларини чалкаштириб ўтирганча ҳамма-ҳаммани бир четдан сотавердилар, қанчадан-қанча ҳалол одамларнинг фожиасига сабаб бўлдилар. Шундай «ҳужжатлар»ни ўқиганда бир ҳаёл чулғайди: уларки ,иссиқ ўриндиқларда ўтириб устозларини, сафдошларини ва дўстларини сотдилар, атайлаб иғволар тўқидилар. Хўш, агар Гдлян ва Ивановларнинг сиртмоғига тушиб, зах ва қоронғу, бадбўй зиндонда қонсираган кана ва суваракдан қочгани жой топмай қолишганда улар туққан оналарини ҳам сотиб юборишмасмиди?

Дарвоқе, 80-йиллар қатағонини халқимиз 37-йилдаги «халқ душмани» қирғинига тенглаштиради. «Десантчи»лар армияси бошлиқлари Анишчев, Огарок, Романовский, Сатин, Клепиков, Нестеренко, Дидоренко, Бутурлин, Гайданов, Литвиненко, Рукин, Галкин, Русинов ва бошқаларнинг кимлар билан қўлни-қўлга бериб ишлаганини кўпчилик яхши билади. Шунингдек, Гдлян, Иванов, Любимов, Свидерский, Калиниченко, Королев, Майданюк, Маврин, Карташьян каби жаллодлар бош бўлган тергов гуруҳларининг қонли панжалари ёнида афсуски анчамунчагина «маҳаллий гдлян»ларнинг ҳам изи бор. Ўзбекистонда қатағон йилларнинг асорати оғир кечди. Собиқ СССРнинг бирон-бир нуқтасида бўлмаган қисмат бизда юз берди. Не кўргулики, бизда шундай «раҳбар»лар топилдики, салла ол десалар, «салласи йўқ экан, калласини олдик», деб «рапорт» бериб турдилар. **«...масъул вазифада ишлаб келган 58 минг раҳбар шахс вазифасидан четлатилди... Мен ўзим Тельман Хоренович Гдлян билан ва СССР Прокуратурасининг бошқа вакиллари билан қўлни-қўлга бериб ишлаётганимдан фахрланаман. Биз Рашидов ва унинг яқин атрофида бўлганлар билан муросасиз курашамиз» деб ёзган эди Р. Нишонов ўша кезларда. («Аргументы и факты», 1988 йил сентябрь № 38].**

Бу кунларни эслашдан нима фойда? Ўтмишнинг ҳар бир куни аслида сабоқдир. Республика шаънини поклаш, аросатдан қутқариш, кечаги кунимиздаги оқ доғларни ювиш осон кечмади. Қурбонлар устига қурбонлар қўшмаслик ва янги қатағон ясамаслик мақсадида ўтмиш учун ҳеч ким суд қилинмади, қатағонга қатағон билан жавоб қайтарилмади. У кунларнинг жароҳати ҳамон ўз касрини бериб турса-да, на раҳбарлик идораларида, на тергов гуруҳларида фаоллик қилган анчайин маҳаллий «ўт қўювчи»ларни сазойи қилиш йўлидан борилмади. Аксарият ҳолларда улар худодан топдилар, қолганлари виждон ҳукмига ҳавола этилди. Биз бугун, кўп йиллик оғир қисматдан сўнг Шароф Рашидов ҳақиқатини ёдга олишимизга сабаб ҳам ана шунда: ёруғ кунларнинг қадрига етмоқ учун қўланкали оғир кунларни унутмаслик керак. Бу мустабид сиёсат нималигини кўрмаган ва яхши англамаган бугунги ёшлар ва келажак авлод учун айниқса муҳимдир.

Кечаги мустабид ҳаётга қайтишни ҳомҳаёл қилаётганлар ҳам, афсуски йўқ эмас. Бунинг битта шарти бор: КПССнинг мажақланган, шилта аравасини қайтадан тиклаб олиш керак «Қайта қуриш» уларга гап эмас! Ўшанда жаллодлар ҳам, маддоҳлар ҳам топилади. Улар зиҳнҳр-базинҳор эски ақидалари билан эмас, замонабоп шиорлар билан майдонга чиқишлари турган гап. Бироқ муддао ўша-ўша: мустақиллик замирига зимдан болта уриш, эркини топган халқларни яна зиндонга маҳкум этиш!

Кимларнинг қонсираган оч кўзлари қизил байроқларни қўмсамоқда? Ўз халқининг кўзига чўп ташлашга уринганлар ким? Халқимиз бу қонга белланган байроқларни аллақачон ва абадий улоқтириб ташлади. Унинг илҳомчиларини ҳам ўша чуқурга итқитиб ташлашга қодир!

Рост, бугун Мустақил Ўзбекистонда турли жабҳада курашга бел боғлаганлар кўп. Адолат ниқобида енг шимарган «генерал»лар мўл. Лекин марказ жазаваси қайнаган, КПСС мутлақ кучга эга бўлган, республиканинг собиқ раҳбарлари ҳали СССРнинг энг чуқур ертўлаларида ҳибсда сақлаб турилган бир пайтда ҳақиқат майдонига баралла овоз билан чиққан инсон жасоратини халқ тан олган ва астойдил олқишлаган эди. Бу даврда Рашидов ҳақиқатини айтиб майдонга чиқиш ўз-ўзига ҳукм ўқиш билан баб-баравар эди. Бу мард ва жасоратли, ҳақиқат йўлидан қайтмайдиган инсон — Ислом Каримов эди!

Ислом Каримов 1989 йил республика активида сўзлаган биринчи нутқидаёқ «унсиз, ўз-ўзини ҳимоя қилаолмайдиган марҳумларни сўроқ қилиш ва улар руҳини безовта этишга чек қўйайлик!» деганда зал қарсаклардан ларзага келганди. Халқ қалбига киришнинг бир сўқмоғи ана шундай бошланган эди. Гап қарсак олишда эмас, адолат учун курашда, фидойиликда. Рашидовга адолатли баҳо бериш билан унинг ортида ноҳақ азобланган ва бадном этилган минг-минглаб оддий кишиларнинг ҳам бошидан булутлар тўдаси чекингани, номи поклангани пайқаш қийин эмасди. Узоқни кўра билиш ва донишмандлик, ҳалоллик, ва адолатпарварлик халқ қалбига отаҳдек ўрнашди. Мазлум ва эзилган Ўзбекистон Ислом Каримов сиймосида халқ пешонасига соҳибқирон Темур шижоатига хос буюк ва иймонли раҳбар битганлигини яққол кўра олди. Халқ адашмаган эди .1990 йил бошидаёқ, ГКЧПдан салкам бир ярим йил муқаддам, Ислом Каримов республикалар ичида Президентлик тизимини биринчи бўлиб тадбиқ этиб, собиқ СССРнинг мустабидлик занжирининг энг муҳим халқасини мардона буза олган биринчи раҳбар сифатида тарихга кирди. Қардош давлат раҳбарларидан бири Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида: «Ислом Каримов фақат мана шу тарихий воқеа — СССР Президенти Горбачев панжасига панжа уриш билан ҳам тарихда қолишига аминман» дегани ёдимда. Занжир узилди! Озодлик довони бошланди! Озодлик марши 1990 йил баҳоридан старт олган эди! Ҳадемай бу куннинг 5 йиллигини қарши оламиз. Бу куннинг жаҳон аҳамиятига молик сана эканлигини унутмаслигимиз керак.

Шароф Рашидов бу кунларни орзу қилмаган эди деб ўйлайсизми?! Уни яхши билган холис кишиларнинг шоҳидлик беришларича, Рашидов тобора инқирозга ҳез тутиши табиий бўлган мустабид сиёсат занжирининг заифлашувини орзиқиб кутган. Мавжуд шароитда эса, у республиканинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва шу билан республика мавқеини мудом кўтаришга интилган. Бироқ, тўғридан тўғри аждаҳонинг оғзига ўзини уриш — унинг иш услубига ёт бўлган ва ўша шароитда ортидан катта бир халқни эргаштирган раҳбар учун бошқа ҳамма йўллар қалтис эди. Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва Усмон Юсуповларнинг ҳаёт йўли ва тақдири уни ҳам кўп нарсаларга ўқитган эди, албатта. Хуллас, бугунги кунимиз каби, Рашидов даври ҳам ўзининг бадиий, тарихий ва фалсафий тадқиқотини кутади. Оқил ва холис мушоҳадага тобора чуқур кириб борилган сари Рашидов сиймосининг бўйи яна ўзини кўрсатаверади. Лекин Рашидов образини бир неча бор қаламга олган тезкор адибларимиз унинг номини ўз романларидан шоша-пиша ўчирдилар-у, янгисини битишга ўйланиб қолдилар. Начора, оққан сувнинг қадрини ҳамиша ҳам билавермаймиз.

Рашидов ҳақиқатининг рўёбга чиқишида, бизнинг назаримизда, яна бир кемтик борки, у кўпдан-кўп холис одамларнинг тишига тегиб, безовта қилиб келади. Бу—Рашидов яшаган уйда ҳамон унинг чироғи ёнмай келаётганидир. Ажабо, бу уйнинг тақдири ҳам ўша кунларнинг тарихига ўхшайди. Рашидов оиласини бадарга қилиб, бу уйга Ғ. Ҳ. Қодиров кўчиб кирди. Қодиров уйсизмиди, дерсиз. Йўқ, остонасида милиция посбони турадиган ҳашаматли маконда яшарди. Бироқ ҳамма нарса қабиҳ хизматга яраша ўлчанадиган заманда Қодиров Рашидов қабрини яксон қилгач, унинг уйини эгаллашга ҳам журъат топди. Қабоҳатнинг биринчи қадами оғир, кейингиси ўз-ўзидан кетаверади! Бир пайтлари Шароф Рашидов этагини ушлаб Марказкомнинг бўлим мудирлигига қадар етиб келган Ғайрат Ҳамидуллаевич уйда ҳам, ҳаётда ҳам устознинг изини «супуришда анча-мунча хизмат кўрсатди. «Бу уйда Шароф Рашидов яшаган» деб битилган мармар лавҳа ана шундай чил-чил бўлди.

Битта уй устида шунча гапми, деб аллаким елка қисиши мумкин. Афсуски, биз бугун жуда кўп алломаларимиз яшаган, нафаси теккан кулбаларнинг бирининг ҳиштини тополмай хунобмиз. Рашидов юбилейига ташриф буюрган Д. А. Кунаевни Тошкент аэропортида кутиб олишдаги ноқулай вазиятни эслайман. «Мени дўстим Рашидовнинг уйига бошланглар!» деганди оқсоқол самолётдан тушган заҳотиёқ. Оқсоқолни у йўлга солдик, бу йўлга солиб кўрдик, бўлмади. «Рашидов хонадонидаги бир ҳовуч фотиҳанинг ўрнини ҳеч нима бося олмаслигини» билиб, шаҳар четидаги тор кулбага бошлаб боришга мажбур бўлдик. Хурсаной опа уни кўнглини кенг қилиб кутиб олди, бироқ кўпни кўрган Кунаев пастки лабини тишлаганча узоқ жимиб қолди. Маълум бўлишича, оқсоқол бу хонадонга аввал ҳам ташриф буюрган, энг оғир кунларда дўсти оиласидан хабар олиб турган ва сўнгги йилларда Ўзбекистонда адолат қуёшида музлар аллақачон эриб, Рашидов оиласи ўз уйига қайтган бўлиши муқаррар, деб қаттиқ ишонган экан. «Эшитишимча, — деб сукунат пардасини бузди Кунаев, — Рашидовнинг уйида унинг шогирди турармиш. Ахир шогирд деганлари фарзанд қатори бўлади-я! Фарзанд отаси юзига оёқ қўйса, оқибати нима бўлади? Отасига тош отганнинг бошига тоғ қуламайдими?!»

Рашидов оиласи яшаб келаётган бу кулбадан ажабланган ёлғиз Кунаев эмасди, Москва, Киев, Марказий Осиёнинг ҳамма бурчларидан келган меҳмонлар ҳам бу кулбага, табиийки, ташриф буюришди ва ҳайратдан ёқа ушлашди. Юбилей ҳам ўтди, меҳмонлар ҳам кузатилди. Улардан айрим бировлари Рашидов уйининг тақдири билан ҳамон қизиқиб қолади ва биринчи навбатда «Бу уйда ҳозир ким туради?» деб сўрашади. Кўплар кўпни кўрган Кунаев оқсоқолчасига қатъий қилиб: «

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 18. IV

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча». 18.40 «Шеърий дақиқалар». 18.55 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Умидбахш ихтиролар». 1-кўрсатув. 21.00 Оқшом эртаклари. 20.25 «Мавлуда Ойнақулова куйлайди». Видеофильм. 20.45 «Нурли Тошкент оқшомлари». Телефильм. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Ўзбекистон ва жаҳон». 21.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 22.10 «Мусиқа жавони». 23.10 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида). 19.45 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм. 20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.50 «Билиб қўйган яхши». 21.10 «Деҳқон ҳиммати». 21.40 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба куни детектив. «Джанго яна зарба туширди». Бадиий фильм («Овросиё ТВ»). 21.30 «Ҳақиқат онлари». 22.25 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Илья Муромец». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Миниатюра». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 23-серия. 18.55 «Биз». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Қойил!». 21.25 «Спорт уик-энди». 21.40 «Матбуот-клуб». 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Сно-виденне». Тунги канал.

Сешанба, 19. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Машаққатли йўллар». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. 11.00 «Томоша». Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 12.00 «Ёшлик» студияси. «Истиқлол қўртаклари».

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича Халқаро турнир. Тожикистон — Туркманистон терма жамоалари. 2-тайм. 17.50 «Нодир хазина». Телефильм. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Чорраҳа». 18.40 «Ёшлик» студияси. «Армонли дунё». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Таълим ва ислоҳот». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Юрт ҳақида қўшиқ». Бадиий-публицистик кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Бозор тароналари». Лирик концерт. 21.50 «Кулги кечаси». «Муштум» журналининг 70 йиллигига. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган. 22.50 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.10 Футбол бўйича Халқаро турнир. Қирғизистон — Ўзбекистон терма жамоалари. 2-тайм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 20.25 «Дарсга қўнғироқ».

«ОМАД» таништиради:

21.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради

9.00 «Мультфейерверк». 9.30 «Курьер». 9.45 «Типтоп». 9.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 10.05 «Совга». 10.35 «Даракчи». 10.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 11.05 Эълонлар. 11.10 «Видео—О». 12.50 Эълонлар. 12.55 «Курьер». 13.10 «Эм-Ти-Ви» дан мусиқалар. 13.30 Эълонлар. 13.35 «Видео—О».

17.00—18.40
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 306-серия. 19.25 Спорт кўрсатуви. 19.30 «Ач гяла — бўйдек дегани». Телефильм. 19.55 «Тўсиқ». «Имтиёзларнинг яхши ва ёмон томонлари». 20.20 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Пасифик гранприси. Японидан кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Энг секинюрар поезд». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».

17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Хоккей. ХХЛ кубоги. 2 ва 3-даврлар. Финал. «Лада» (Тольятти) — «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида. (21.05) — «Матбуот-экспресс». 22.00 «50х50». 23.15 Янгиликлар.

Чоршанба, 20. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.15 «Қирқ биринчи йил олмалари». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 «Қалб садолари». Телефильм. 11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 «Алифбо сабоқлари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм. 18.20 «Имконият излаб...». 18.40 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Танбур». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Тадбиркор минбари». 22.05 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.05 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Спринт». 20.10 «Шаҳар юмушлари». 21.10 «02» тўлқинида. 21.30 «Кинотриада». 22.30 «Шоирнинг тақдири». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00—18.40
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 307-серия. 19.30 «Меҳр-шафқат алифбоси». Телефильм. 19.50 «Ҳеч ким унутилмайди». 19.55 «Рус ижозатномаси». 20.25 «Ўз-ўзига режиссёр». 20.55 «Дабдурустдан ёки газета воқеаларидан». 21.50 «Джаз-филармоник холл». 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Ортга йўл йўқ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».

17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 18.55 «Оқ тўти» клуби. Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Моцарт жумбоғи». Э. Радзинский ҳикоя қилади. 21.25 «Сиз Мария Фаллахни биласизми?». 22.00 Янгиликлар. 22.45 «Бомонд».

Спорт кўрсатуви

23.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Туркия—Россия терма жамоалари. Туркиядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Хоккей. ХХЛ кубоги. Финал. «Лада» (Тольятти) — «Динамо» (Москва).

Пайшанба, 21. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Вонг хонимнинг сири». Бадиий фильм. 10.30 «Лотин алифбоси». 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 «Футбол майдонларида».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Ғунча» табассуми. 18.40 «Сиҳат-саломатлик». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Умидбахш ихтиролар». 2-кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Инсон ва қонун». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 Мумтоз куйлардан концерт. 21.50 Ўткир Ҳошимов. «Тўйлар муборак». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Йўлингиз бехатар бўлсин!». 20.15 «Тошкент оқшомлари».

«ОМАД» таништиради:

21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси 308-серия. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.55 «Оддий кунлар». 21.25 «Театр сафари». Галина Вишневская А. Чехов номли МХАТ саҳнасида. 22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Ортга йўл йўқ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».

18.00 «Ҳужжатлар ва тақдирлар». 18.05 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Туркия — Россия терма жамоалари. 2-тайм. Туркиядан кўрсатилади. 18.55 «Бу ерда сен бахтлимисан, Рудольф Нуриев?». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Доҳийга аталган заҳар». Тарихнинг номаълум саҳифалари (Д. Волкогонов архивидан). 21.00 Л. Бунюэль фильмларининг ретроспектив намойиши. «Буржуазиянинг оддий жозибаси» (Франция, Италия, Испания). 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Матбуот-экспресс». 23.45 «MTV».

Жума, 22. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. 11.00 «Чотқол тизмаларида». Телефильм. 11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. 12.00 «Бола бошидан...».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 18.40 «Ёшлик» студияси. «Сен етим эмассан». 19.05 «Ислоҳот ва масъулият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Регистоним». Телефильм. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Кулгу — дармон дейдилар...». Худойберди Зиёдов. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Бир жуфт қўшиқ». Мусиқий кўрсатув. 22.00 Бевосита мулоқот. 22.50 «Ҳилол» студияси. «Тилсим». 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ». 20.25 «Ўзбекистон спорти». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Олимлар—деҳқонларга». 21.50 «Дарвоқе...». 22.30 «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Киномарафон. «Юзсизлар». Бадиий фильм. 21.40 «К-2» таништиради: «Кинограф».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Ортга йўл йўқ». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».

17.25 «Комик жазман ёки сэр Жон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Телевизион бадиий фильм. 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Бахтиёр Арабистонга саёҳат». Телевизион бадиий фильм премьераси («Лентелефильм»). 22.25 Хоккей. ХХЛ кубоги. 2 ва 3-даврлар. Финал. «Лада» (Тольятти) — «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида (23.05) — Янгиликлар.

Шанба, 23. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.15 «Қоплоннинг учинчи сакраши». Бадиий фильм. 10.40 «Шоҳсупа». Самбо бўйича жаҳон чемпиони Шуҳрат Очилов. 11.00 «Бахт изловчи Ҳасан». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.00 «Ёшлик» студияси. «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 13.00 «Халқ ижодиёти». «Момогул» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 13.25 «Янги китоблар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ёшлик» студияси. «Камонгорон тароналари». 18.15 «Хотира». Телефильм. 18.25 «Сирли сандиқ». Телеўйин. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Ўзбекистон чинниси». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Санъат усталарининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Ўзбекистон — Франция: ҳамкорлигимизнинг янги саҳифалари». 1-кўрсатув. 22.20 «Шунчаки ҳазил». 23.20 «Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Болалар учун. «Табассум». 20.25 «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.40 «Салом, Франция!». 13.20 «Би-Би-Си» янгиликлари. 13.35 «Безнен мирас» (татар тилида). 14.10 «Авлодлар». 14.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари. 15.05 «Истеъдод». Юнус Гульзаров (саксофон). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.50
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Телеэкранда — премьера. «Изидлар...». Бадиий фильм. 21.20 «Мутлақо махфий». 22.10 «М-трест». 22.25 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Бесаме». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Рукн премьераси» туркумидаги кўрсатувни В. Молчанов олиб боради. 18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Эҳтирос гули». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.20 Сан-Ремода итальян қўшиқлари фестивали. 22.10 «Матбуот-экспресс». 22.25 «Янги душанба». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

Якшанба, 24. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов куйлайди. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 63—64-сериялар. 12.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 12.40 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». 13.35 «Ёшлик» студияси «Юзма-юз».

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — МҲСК. 2-тайм. 17.50 Болалар учун фильм. «Диққат, шаҳарда сеҳргар бор». 18.40 «Мулоҳаза». Фитратнинг «Абулфайзхон» спектакли ҳақида. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Якшанба оқшомида». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 «Ойнаи жаҳонда...». 21.50 «Ўзбекистон — Франция: ҳамкорлигимизнинг янги саҳифалари» 2-кўрсатув. 22.50 «Вафонинг узун йўли». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом таваллудининг 75 йиллигига. 23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Туҳфа». 17.30 Эълонлар. 17.35 «Видео—О». 19.15 Эълонлар. 19.20 «Қурьер». 19.30 «Эм-Ти-Ви» дан мусиқалар. 19.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.05 Эълонлар. 20.10 «Даракчи». 20.20 «Салом, ёшлар!» 20.40 Эълонлар. 20.45 «Видео—О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН»
ТЕЛЕКАНАЛИ

12.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.40 «Сиёсий портретига чизгилар». Франсуа Миттеран. 13.00 «Жаҳон ва биз». Германия. 13.40 «Би-Би-Си» янгиликлари. 13.55 «Фан олами». 14.15 «Мактабда дўстлик байрами». 14.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари. 14.55 «Спорт ва жаҳон». 15.15 «Дилга яқин қўшиқлар». «Дурдашен» телекомпаниясининг мусиқий кўрсатуви (Ҳиндистон). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Си-Би-Эс» кинотеатри. «Икки ёқлама таваккал». Бадиий фильм. 21.15 «Ксюша ҳузурида». 21.45 «Экзотика».

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Шпаргалка». 18.05 «Ҳунарли хор бўлмайди». 18.10 «Ҳажвия—94». 18.55 «Автошоу». 19.10 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Мен уяламан, аммо даволанаман». Бадиий фильм (Франция). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.50 «Эфирда мусиқа». 22.40 «Х» программаси. 23.00 Янгиликлар.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ФУҚАРОЛАРИ УЧУН АМЕРИКАГА ИММИГРАНТЛИК ВИЗАЛАРИ ОЛИШ ЛОТЕРЕЯСИГА ҚЎЛЛАНМАЛАР

Америка Қўшма Штатларининг Ҳукумати 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб турли мамлакатлар фуқаролари учун яратилган Иммигрантлик Визалари бўйича янги Дастурни режалаштирмоқда. Бу Дастур Ўзбекистонда ва бошқа собиқ Совет Иттифоқи давлатларида истиқомат қилувчиларга биринчи марта лотерея иштирокчиси асосида Америкада доимий яшашга имконият беради. Дастур махсус Ўзбекистон ёки собиқ Совет Иттифоқи республикалари учун яратилмаган. Шунга ўхшаш дастур бир неча йил олдин АҚШ Конгресси томонидан яратилган бўлиб, унинг мақсади охирги йилларда Америкага иммиграция даражаси паст бўлган мамлакатларда истиқомат қилувчиларга иммиграция имконини беришдир.

Ҳар йили ҳамма давлатлар учун ажратилган бундай визаларнинг сони 55 мингта бўлади. Мамлакатлар гуруҳларга бўлинган бўлиб, фақат 24 мингта виза Европа географик минтақасига ажратилади. Собиқ Совет Иттифоқи давлатлари ана шу Европа минтақасига киради. Бу рақамнинг ичига ғолибларнинг эр-хотинлари ва 21 ёшга тўлмаган болалари ҳам киритилади. Ҳар бир мамлакатнинг виза олиш юқори миқдори 3.850 бўлса ҳам, пастки миқдори йўқ. Шунинг учун баъзи бир мамлакатларда ҳеч ким ютмаслиги мумкин.

Дастурда иштирок этиш мутлақо бепул ва кимгадир пул тўлаш сизнинг ютиш имкониятингизни ошира олмайди.

Хатлар юбориш муддати – 1994 йилнинг 1 июнидан 30 июнигача. Ўз муддатида юборилган хатларга асосланиб, компьютер ғолибларни танлайди. 1 июндан олдин ёки 30 июндан кейин олинган хатлар кўрилмайди.

Биттадан ортиқ хат юборсангиз, сизнинг мурожаатингиз кўрилмайди. Лекин ҳар бир иштирокчи эр-хотин ва 21 ёшга тўлмаган ва турмуш қурмаган болалари ҳақида маълумотлар езиб юборса бўлади. Шунинг учун эр ва хотин ҳар бирлари хат юборишлари мумкин.

Иштирок этмоқчи бўлганлар камида ўрта мактабни битирган бўлишлари шарт ёки охирги беш йил ичида шуғулланган ишлари икки йиллик маълумотни ёки тажрибани талаб қилган бўлиши керак.

Иштирок учун ҳеч қандай махсус форма керак эмас. Қуйидаги маълумотларни оддий оқ қоғозда инглиз тилида босма ҳарфлар билан ёзинг: (Туғилган жойингизни езган вақтда, мамлакатингизнинг ҳозирги номини ёзинг. Совет Иттифоқини мамлакат деб ёзманг).

1. Иштирокчининг фамилияси, исми, отасининг исми (фамилиянинг тагида чизиш керак)
2. Иштирокчининг туғилган йили ва жойи:

Туғилган йили: куни, ойи, йили

Масалан: 15 November 1961

Туғилган жойи: шаҳар, область (вилоят), мамлакат

Масалан: Tashkent, Tashkent oblast, Uzbekistan

3. Иштирокчининг эр-хотинини ёки 21 ёшга тўлмаган ва уйланмаган болаларининг исмлари, туғилган йиллари ва туғилган жойлари. **Ота-онангизнинг исмларини ёзманг.**
4. Иштирокчининг хат юбориладиган адреси: адрес аниқ ва тўлиқ бўлиши керак, чунки ғолибларга шу адресга хабарнома ва қўлланмалар юборилади. Телефон номерини ёзиш шарт эмас, лекин у керак бўлиб қолиши мумкин.
5. Иштирокчи яшайдиган мамлакатнинг номи, агар у туғилган жойидан фарқ қилса.

Сиз қуйидаги мамлакатларни мамлакатингиз сифатида ёзиб юборсангиз бўлади:

– сизнинг туғилган жойингиз;
– эр-хотинингиз туғилган жойи;
– отангиз ёки онангизнинг туғилган жойи (агар уларнинг туғилган жойлари сизникидан фарқ қилса).

Мурожаатнома – хат узунлиги 15 – 25 см ва кенглиги 9–11 см бўлган конвертда юборилиши керак. Мурожаатнома – хатлар фақат оддий ёки авиа почта орқали юборилиши керак, лекин хатларни дунёнинг барча жойларидан ва Американинг ўзидан юборса бўлади. Қўлдан қўлга берилган, факс ёки бошқа махсус, регистрациядан ўтадиган (экспресс почтага ёки буюртма хатларга ўхшаш) йўллар билан юборилган хатлар қабул қилинмайди.

Иштирокчининг мамлакати, тўлиқ исми ва хат юбориладиган манзилгоҳи инглизча босма ҳарфлар билан конвертнинг юқори чап бурчагига ёзилиши керак. Ушбу маълумотлар қуйидаги тартибда ёзилиши керак:

Туғилган мамлакатингиз
Тўлиқ исмингиз
Кўчангизнинг номи
Шаҳар, область, индекс
Истиқомат қиладиган мамлакатингиз

Қуйида Қирғизстонда туғилган, лекин Ўзбекистонда истиқомат қиладиган шахснинг адреси тўғри ёзилган конвертнинг намунаси. Лотереянинг адреси қуйидаги ёзилган манзилгоҳдек ёзилиши керак:

Kyrgyzstan — Почта маркаси
Turaev. Tura Turaevich
Olmos Kuchasi. uy 8. kvartira 13
Tashkent. Tashkent Oblast. 700010
Uzbekistan

DV-1 Program
National Visa Center
Postmouth. NH 00212
U.S.A.

Ғолибларга почта орқали хабарнома-хат ва қўлланмалар юборилади. Ғолибнинг эр-хотини ва турмуш қурмаган болалари ҳам иммигрант визасини олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида берилган манзилгоҳ Ўзбекистон ва бошқа Европа минтақасига кирадиган мамлакатлар учун бир хил. Ушбу қўлланмаларнинг бир нусхасини сиз ҳар куни, душанбадан жумагача, соат 17.00 дан 17.30 гача, Чилонзор кўчаси, 82 манзилгоҳида жойлашган Америка Қўшма Штатлари Элчихонасида бепул олишингиз мумкин. Шунингдек, Америка Элчихонасининг ташқарисида шу қўлланмаларнинг бир нусхаси ва дунё бўйлаб ўтказиладиган бу дастурга тааллуқли маълумотлар билан танишсангиз бўлади. Элчихонанинг ушбу дастурда иштироки фақат айтиб ўтилган маълумотлар бериш билангина чекланган. Элчихона ҳеч қандай маслаҳатлар бера олмайди, хат юбориш хизмати билан таъминламайди ва лотерея натижалари ҳақида ахборот бера олмайди. Шунингдек, Элчихона дастурга тааллуқли саволларга телефон орқали ёки юзма юз жавоб бера олмайди.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30.
Г—890 тир. 85501.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.